ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ

Рўзмонова Дилором Бекназаровна
Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент 2023

Аннотация. Мазкур мақолада Тошкент вилояти шаҳарларининг салоҳияти рессурслар ва имкониятлари баҳоланган. Бунда шаҳар ҳосил қилувчи тармоқлар орасидаги тармоқлар тафовутлар аниқланган
Калит сўзлар: Иқтисодий географик ўрин, етакчи тармоқ, табиий, транспорт,геосиёсий омиллар

Тошкент вилояти шаҳарларининг иқтисодий географик ўрнини таҳлил қилиш учун кўриб ўтиладиган шаҳарлар қайси кўрсаткичлар бўйича минтақада етакчилик қилади ва шаҳарлар ўртасида қандай алоқалар мавжудлигини таҳлил қилиш зарур.Ушбу жадвалда шаҳарларни қатор кўрсаткичлар асосида баҳолаб чиқилган. Бу кўрсаткичлар иқтисодий географик ўриннинг қулай ёки ноқулайлигини аниқлашда муҳим омил саналади.
Табиий географик омил. Вилоятнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмлари Ғарбий Тяншан тоғлари ва унинг тармоқлари (Қурама, Писком ва Угом тоғлари) билан банд. Энг баланд жойи Писком тизмасидаги Аделунг тоғи (4301 м). Чатқол ва Қурама тоғлари орасида Оҳангарон дарёси кесиб ўтган, Оҳангарон платоси жойлашган. Вилоят ҳудудининг катта қисми Сирдарё томон қияланиб борадиган тоғ олди текислиги (Чирчиқ–Оҳангарон водийси) дан иборат бу жиҳатдан шаҳарларнинг табиий географик ўрнини яхши баҳолаш мумкин.
Транспорт омили жиҳатдан шаҳарлар бир мунча фарқ қилади. Транспорт иқтисодиётнинг қон томири саналар экан иқтисодий географик ўриннинг яхшиланишида муҳим омил ҳисобланади. Тошкент вилояти шаҳарлари шарқий ҳудудлар билан алоқаси Қамчиқ довони орқали автомобил йўлининг қурилиши ва Ангрен-Поп темир йўлини ишга тушгунича транспорт тугунини яхши деб баҳолаб бўлмас эди.
Таҳлил этилаётган шаҳарлар 49 минг аҳолига эга Нурафшон шаҳри ва қолган шаҳарлар катта шаҳарлар сирасига кириб иқтисодий ривожланганлиги жиҳатидан минтақада пешқадам саналади. Шу боис шаҳарларда транспорт тўри яхши ривожланган. Хусусан, автомобил ва темир йўл транспорти яхши ривожланган. Шу билан бирга Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида темир йўл транспорти яхши ривожланган. Ангрен-Поп темир йўл линиясини ишга туширилиши шаҳарнинг иқтисодий ривожланишига янада яхши туртки бўлди. Маъмурий марказларга яқинлиги, яъни Тошкент шаҳрига нисбатан узоқ яқинлиги назарда тутилган. Бунда шаҳарлар орасидаги масофага асосан баҳо берилган. Инвестиция омили, бунда 2020 йилда мобайнида қайси шаҳарларга кўп инвестиция киритилганлиги асосида баҳо берилган. Бунда юқори кўрсаткичларга Олмалиқ (2998,8 млрд сўм) ва Оҳангарон (1514,0 млрд сўм) шаҳарларидир. Бу шаҳарлардаги асосий инвестиция шаҳарлардаги мавжуд саноат корхоналарини модернизация учун йўналтирилмоқда.

1-жадвал

Шаҳарлар	**Табиий географик омил**	**Транспорт омили**	**Тарихий марказларга**	**Маъмурий марказларга**	**Инвестиция омили**	**Геосиёсий кўшничилик**	**Миграция омили**	**Меҳнат ресурси омили**	**Фойдали қазилмалар**	**Демографик омил**	**Туризм ва рекреация**	**Жами баллар**	**Ўртача баллар**
Ангрен	6	8	6	5	8	6	5	7	9	9	5	74	6.7
Бекобод	7	7	6	3	6	5	9	7	7	7	5	69	6.4
Нурафшон	7	6	9	8	8	8	5	8	6	8	8	87	7.8
Оҳангарон	7	5	7	7	9	7	9	6	7	5	6	75	6.8
Олмалиқ	8	8	6	6	9	7	8	8	9	8	6	82	7.3
Қибрай	8	8	7	9	7	6	6	7	6	7	7	78	7.0
Чирчиқ	9	8	7	6	8	6	8	8	9	8	6	83	7.4
Янгийўл	8	7	8	7	6	8	9	6	7	7	7	80	7.2
Ғазалкент	9	7	7	6	6	5	6	6	6	6	9	73	6.4

Вилоят шаҳарланинг И.Г.Ў. ни баҳолаш

Жадвал муаллиф томонидан тузилган

Геосиёсий қўшничилик омили бу омилда шаҳарларнинг бошқа давлатлар билан чегарадошли ёки чегара ҳудудларига яқин жойлашганлиги инобатга олинган. Геосиёсий қўшничилик жиҳатидан қилоятда Олмалиқ шаҳри бир мунча ноқулай ўринга эга ва Чирчиқ шаҳрини ҳам айнан шундай чегараолди шаҳарлар сирасига киритишимиз мумкин. Бунда яна аҳамиятли жиҳати катта ва йирик шаҳарлар чегара ҳудудига яқин жойлашиши бир мунча хатарлидир, аммо бу кичик ва ўрта шаҳарлар учун у қадар хавф туғдирмайди.

Миграция омили ушбу банда миграция сальдоси “+” бўлган шаҳарларга юқори балл берилди. Бунда Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари юқори кўрсаткичларга эга. Тошкент вилояти шаҳарларидаги миграция асосан ички миграция ҳисобланади.

Саноат маҳсулотлари ҳажми.2020 йил ойларида ҳудулар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суратлари, ўтган йилга нисбатан (% ҳисобида) Нурафшон (105.3 %), Янгийўл (104.4%), Бекобод шаҳарларида қайд этилди. 2020 йил январ-декабр ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Нурафшон шаҳрида- 17859,7 минг сўмни ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан104.0%ни ташкил этди. Бекобод шаҳрида ва Олмалиқ шаҳарлари давлат капиталига тегишли корхоналар сони бўйича вилоятда етакчилик қилади. Олмалиқ шаҳри бу йўналишда 90%ли кўрсаткичга эгадир.

Фойдали қазилма омили бу омил ҳам ҳудудни ривожланишида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Бу омил бўйича Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари юқори баҳоланган. Ушбу шаҳарлар рудали қазилма бойликлари билан яхши таъминланган. Умуман вилоятнинг кўп шаҳарларида қазилма бойликлари мавжудлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бироқ ҳамма кон экспулатация қилингани йўқ. Қазилма бойликлар ҳозирги кунда экспулутация қилинмаётган депрессив шаҳарчалар ҳам мавжуд.

Демографик омил аҳоли сони юқори бўлган ҳудудлар юқори баҳоланган. Аҳоли сонидан ташқари малакали кадрлар ҳам инобатга олиниб ҳудудда олий ўқув юртларининг мавжудлиги ёки Тошкент шаҳридан келувчи мутахассислар ҳисобга олинган. Умуман аҳоли сони жиҳатдан баҳо берилган шаҳарлар табиийки катта шаҳарлар хиссасига тўғри келмоқда. Демографик омил шаҳарда ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштириш учун ҳисобга олинадиган омил хисобланади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон шаҳарлари учун шаҳарларни демографик омил жиҳатидан эмас кўп ҳолларда қазилма бойликларини мавжудлиги асос бўлган.

Туризм объектлари мавжудлиги омили саноат шаҳарлари ўз ўзидан бу соҳада ортда қолмоқда. Иқтисодиётни диверсификация қилишда туризм ва рекреация энг оптимал соҳа хисобланади. Ҳар бир шаҳар мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб туризмни ривожлантиришга интилиши бутун жаҳон ҳамжамияти учун хос жараёнга айланмоқда. Ҳар бир иқтисодиётнинг етакчи тармоғини ривожлантириш орқалигина ёрдамчи соҳаларни ривожлантиришга эришилади.

Туризм ва рекреация ресурслари вилоятнинг шимол-шарқий ҳудудларида яхши ривожланганлиги ва шаҳарларда тарихий объектлар, қадимги шаҳар харобалари мавжуд бўлиб бу омилни яхшилашга доир кенг имкониятлар мавжуд.Тошкент вилоятини туризм имкониятларини кенг кўламда фойдаланиш шу билан бир қаторда ушбу шаҳарларда экологик мувозанатнинг бузилишини олдини олиш ҳам кўзда тутилмоқда.Туризм ва рекреация ресурсларини баҳолашда шаҳардаги мавжуд инфратузилма, меҳмонхоналар сони ва уларнинг талаб даражасидаги эканлигига ҳам эътибор қаратилган.

Туризмнинг ривожининг асоси инфратузилма, меҳмонхоналарнинг ҳолати билан чамчарчас боғликдир.

Бу омил бўйича Ғазалкент шаҳри вилоятда пешқадам ҳисобланади. Унда ресурсларнинг таъминланганлик даражаси юқори.

Таъкидлаш керакки, вилоятнинг катта шаҳарларида ривожланишга нисбатан имконият, ривожланишга тўсқинлик қиладиган омиллардан устунлиги юқори.

Навбатдаги баҳолаш усули иқтисодий географик ўринни ташкил этувчи омилларни белгилаб олиниб уларни баҳолаш тизимида ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир омил учун максимал 10 балл берилди. Бунда иқтисодий географик ўрни қулай деб Нурафшон, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари белгиланди. Унга кўра Нурафшон шаҳрининг умумий балл йиғиндиси 85 га тенг деб баҳоланди. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткич бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафарова Н.И. Иқтисодий географик ўриннинг минтақа ижтимоий ривожланишига таъсири. География фан номзоди. дисс.Т., 2011.

2. Светлово М.В. Комплексная оценка эколого-географического положения приморских территорий. Автореф. Мурманск 2014.

3. Смирнов И.П. Средние города Центральной России: особенности развития и роль в организации территории. Автореф. Пермь 2016.

4. Соколов С.Н. Экономико географическое положение Нижневаторского региона. Автореф. Нежниваторск, 2014.

5.Земцов С.П. Оценка потенциала экономико-географического положения регионов России. Экономика региона. -Т., 2016.

6.Рахманов Б, Назаров М и. др. //Природно-ресурсный потенциал развития промышленности Ташкентского экономического района.-Т.:2019.

